O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 2 апрель, № 64 (4979) Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

## ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДАГИ БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДА БАНД БЎЛГАН АЁЛ СПОРТ УСТОЗЛАРИ МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Васийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ ҳамда қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги қизларни спорт билан шуғулланишга фаол жалб этиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, болалар спорти объектларида болалар ва ўқувчи ёшлар билан ишлаш учун аёллар орасидан юқори малакали, профессионал тайёрланган устоз кадрларни кенг жалб этиш, уларнинг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2010 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларида жисмоний тарбия ўқитувчиси ҳамда спорт устози бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда 15 фоиз миқдорда устама ҳақ белгилаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки, жисмоний тарбия ўқитувчилари ҳамда спорт устозлари бўлиб ишлаётган аёлларнинг тариф ставкаларига ҳар ойда қўшиб бериладиган устама ҳақ белгиланиши билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг "Таълим" бўлими бўйича тасдиқланган харажатлар доирасида бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ва уларнинг ҳудудий органлари бир ой муддатда қишлоқ жойлардаги умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг штат жадваллари ҳамда харажатлар сметаларини мазкур қарор талаблари билан мувофиқ ҳолга келтирилишини таъминласинлар.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 1 апрель

### 2010 йил — Баркамол авлод йили

***Гулистон шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" жамғармалари ҳамда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамкорлигида "Биз бир жамоамиз!" шиори остида ёшлар анжумани ўтказилди. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган форум ёшлик байрамига айланди.***

## ЁШЛАР АНЖУМАНИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун барча шароит яратилмоқда. Уларни она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар ўз самарасини бераётир. Йигит-қизларимизда юрт равнақига дахлдорлик ҳисси юксалмоқда.

"Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳам иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашга, уларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаоллигини оширишга ҳисса қўшиб келаётир. Тадбирда "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази фаоллари, талабалар ва ўқувчи-ёшлар иштирокида бизнес ҳамда хорижий тиллар бўйича

(Давоми 2-бетда).

«Ўзкимёсаноат»:

# ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

***Рақамлар, одатда, жуда ўжар бўлади. Улар кўпинча ё тараққиётдан, ё инқироздан сўзлайди. Мисол учун, 2009 йилда ривожланган мамлакатларда аҳолининг иш билан бандлиги 10 фоизга камайган ва бу нохуш жараён давом этмоқда. Глобал иқтисодиётнинг ўсиши эса тахминан бир фоизга қисқарган.***

Таҳлил



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Бинобарин, ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши иқтисодиётнинг салбий аҳволини кўрсатса, унинг ўсиб бориши юрт ривожи ва равнақидан далолат беради. Ўзбекистонда бу борадаги кўрсаткичнинг ўртача ўсиши кейинги йилларда 8 фоиздан кам бўлаётгани йўқ.

Президентимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида иқтисодиётимизни босқичма-босқич, изчил ислоҳ этиш ҳамда тадрижий ривожлантириш стратегиясининг ўтган йилги натижаларини мамнуният билан эътироф этар экан, бунда ҳукуматимизнинг 2009 — 2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг самараси катта бўлганлигини алоҳида қайд этди. Бинобарин, унинг ижросини таъминлашда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация ва диверсификация қилиш, техник-технологик қайта жиҳозлаш, маҳаллийлаштириш каби йўналишлар устувор аҳамият касб этди. Инвестиция ва техник модернизациялаш бўйича дастурлар доирасида 2009 йил мобайнида 690 та, Маҳаллийлаштириш дастури асосида 840 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

**Тошкентда 2010 йилнинг 30-31 март кунлари Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Россия ҳукуматлараро комиссиясининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.**

Россия делегациясига Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Сергей Иванов раҳбарлик қилди. Делегация таркиби ташқи ишлар, иқтисодий ривожланиш, молия, транспорт, саноат ва савдо, табиий ресурслар ва экология, божхона ва миграция хизматлари каби вазирлик ҳамда идоралар раҳбарларидан иборат эди. Шунингдек, ҳукуматлараро комиссия мажлисида Россиянинг йирик компаниялари, корпорациялари ва банклари вакиллари ҳам иштирок этди.

Мажлисда икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ҳамда уни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилди. Товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажмини ошириш ҳамда таркибини диверсификация қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, ёқилғи-энергетика комплекси, транспорт ва транспорт коммуникацияларини ривожлантириш соҳаларида икки томонлама ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди.

Муҳокама чоғида томонларнинг турли соҳалардаги иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича батафсил фикр алмашилди.

Ҳукуматлараро комиссия мажлиси якунлари бўйича қабул қилинган Протоколда муҳокама этилган барча масалалар юзасидан асосий келишувлар баён этилди. Бу Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил апрель ойида Россия Федерациясига расмий ташрифини тайёрлашда муҳим асос бўлади.

Мазкур Протоколда Марказий Осиё трансчегаравий дарёларининг сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласида ўзаро маъқулланган сиёсат юритиш бўйича келишилган қуйидаги позиция қайд этилди:

«Томонлар Марказий Осиё минтақасидаги трансчегаравий дарёларда гидроэнергетика иншоотлари қуриш лойиҳаларини амалга оширишда умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига қатъий риоя қилган ҳолда, ушбу сув оқимларида жойлашган барча давлатларнинг манфаатларини инобатга олиш зарурлигини таъкидладилар.

Комиссия томонларнинг манфаатдор вазирлик ва идораларига Марказий Осиё трансчегаравий сув оқимларида гидротехника иншоотларини қуриш лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича бундай лойиҳаларни олдиндан халқаро мустақил экспертизадан ўтказиш зарурлигини назарда тутадиган халқаро ҳуқуқ нормалари асосида маслаҳатлашувларни давом эттириш юзасидан топшириқ беради».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2010 йил 31 март куни Оқсаройда Россия Федерацияси ҳукумати Раисининг ўринбосари Сергей Ивановни қабул қилди.

**(ЎзА).**

***2010 йилнинг 5-6 апрель кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ўртасида ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтади.***

## ТОШКЕНТДА ЎЗБЕКИСТОН ВА САУДИЯ АРАБИСТОНИ ҲУКУМАТЛАРАРО ҚЎШМА КОМИССИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Биз ва жаҳон

Мазкур йиғилишда иштирок этиш учун Ўзбекистонга Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Инвестициялар бўйича бош агентлиги раҳбари Амр ал-Даббағ бошчилигидаги делегация ташриф буюриши кутилмоқда. Делегация таркибидан ушбу мамлакатдаги турли вазирлик ва идоралар ҳамда йирик компанияларнинг 70 дан зиёд вакиллари жой олган.

Жорий йиғилиш давомида икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик муносабатлари, хусусан, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, Ўзбекистон — Саудия Арабистони ишбилармонлари кенгашини ташкил этиш, шунингдек, маданият ва спорт соҳаларида ташрифлар алмашувини фаоллаштириш ҳамда сармоявий ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари муҳокама этилади.

Йиғилиш якунига кўра, Ўзбекистон Республикаси ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукуматлари ўртасида Инвестицияларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланиши режалаштирилган.

Шунингдек, ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг жорий йиғилишини ўтказиш мобайнида Ўзбекистон — Саудия Арабистони бизнес форумини ташкил этиш мўлжалланмоқда. Унда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, савдо, инвестициялар, энергетика, ёнилғи, банк тизими, енгил саноат, соғлиқни сақлаш, геология, минерал ресурслар, транспорт, ахборот технологиялари ва туризм масалалари билан шуғулланувчи вазирлик ва муассасалари ҳамда «SABEC», «Abdul Ghafoor Amin & Co.», «ASK Int. Group», «A.K. Saeed for Trade & Industry Co. Ltd», «Kinana Co. for Trading and Contracting» каби компаниялар вакиллари иштирок этади.

**«Жаҳон» АА.**
Ар-Риёд

## ВАТАНДАН ФАХРЛАНИШ БАХТИ

***Жорий йил бошида Испаниянинг Луго шаҳрида "Халқаро кун" тадбири ўтказилди. Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келиб, Сантьяго де Сомпостела университетида таълим олаётган талабалар ва илмий тадқиқотчилардан чиққан бу ташаббус олий ўқув юрти раҳбарияти томонидан қўллаб-қувватланди.***

"Халқаро кун"да мазкур университетда ўқиётган мен каби чет эллик талабалар, тадқиқотчилар ўз юртларини таништиришди. Тадбирга ҳозирлик кўриш жараёнида ҳар ким ўз она-Ватани ҳаётига оид ахборотлар, фотолавҳалар, видео ва аудиоматериаллар тайёрлади. Ўша куни эса улар асосида мавзуга оид савол-жавоблар, суҳбатлар уюштирилиб, иштирокчилар миллий пишириқлар билан сийланди.

Дил сўзи

Тадбир қатнашчиларига Ўзбекистонимизнинг бугунги ҳаёти, табиати, табиий бойликлари, ёш авлод камолоти йўлида кўрсатилаётган беқиёс ғамхўрликлар, қадимий шаҳарларимизнинг тарихий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари, мустақиллик даврида амалга оширилаётган мислсиз ўзгаришлар тўғрисида гапириб бердим. Кўпчиликда жуда катта қизиқиш уйғотган "Халқаро кун"да бошқа давлатлардан келган ёшлар ҳам ўз Ватани, юртдошлари ҳақида сўзладилар. Шу тариқа турли миллат вакиллари Ўзбекистон, Бразилия, Польша, Чехия, Япония,

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон – умумий уйимиз

***НАМАНГАН. Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллатлараро тотувликни янада мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик тамойилларининг устуворлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Наманган муҳандислик-педагогика институтида "Биз бир замон ва бир замин фарзандларимиз" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Республика Байналмилал маданият маркази, Наманган вилояти ҳокимлиги ҳамда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЛОЙИҲАЛАР — АЛОҚА ХИЗМАТИГА

***2009 йилда Ватанимизда алоқа хизматини ислоҳ қилиш йўналишида***

**12 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди.**

Ушбу инвестиция лойиҳалари мамлакатимизда фан ва техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида мужассамлаштирган, кенг қамровли технологик коммуникация тармоғини барпо этиш ва барқ уриб ривожлантиришдек стратегик мақсадни амалга оширишга хизмат қилади.



# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Нефть нархида кўтарилиш

***Жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида нефть нархи сезиларли даражада кўтарилди.***

Бу ҳақда “Рейтер” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хусусан, Нью-Йоркнинг “NYMEX” биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида “қора олтин”нинг бир баррели 1,39 АҚШ долларига қимматлашиб, 83,76 АҚШ долларидан сотилган. Бу нефтга бўлган талабнинг ортгани билан изоҳланмоқда.

## Қўниш вақтидаги кўнгилсизлик



***Австралиянинг Сидней шаҳридаги аэропортда кўнгилсиз ҳодиса юз берди, дейилади “ИТАР-ТАСС” ахборот агентлиги хабарида.***

Бу ерда маҳаллий “Qantas” авиакомпаниясига тегишли “А-380” самолёти қўниш чоғида ёниб кетган. Фалокат юз берган вақтда унинг бортида 241 нафар одам бўлган. Тезкор кўрилган чоралар туфайли уларнинг ҳеч бирига зиён етмаган.

Ёнғин лайнер двигателидаги носозлик туфайли келиб чиққанлиги маълум қилинди.

## Қутқарув ишлари олиб борилмоқда

***Хитойнинг Хэнань ва Шаньси музофотларидаги конларда фалокат юз берди.***

Хэнань музофотидаги кўмир конида содир бўлган портлаш оқибатида икки ишчи ҳалок бўлган, бир нафари эса оғир даражада тан жароҳати олган. Шунингдек, кўнгилсизлик оқибатида коннинг чиқиш йўллари ёпилиб қолган. Натижада қарийб эллик нафар киши ер остида қолиб кетган. Ҳозирча уларнинг тақдири номаълум. Фожиа юз берган вақтда конда 100 га яқин одам бўлган. Портлаш газдан келиб чиққани айтилмоқда. Шаньси музофотидаги бахтсизликдан кейин эса 150 дан ортиқ ишчи конда қолиб кетган. Қутқарув ишлари олиб борилмоқда.

## 10 миллиард доллар молиявий ёрдам

***“Ассошиейтед Пресс” ахборот агентлиги хабарига кўра, халқаро ҳамжамият томонидан Гаитига 10 миллиард АҚШ доллари миқдорида молиявий ёрдам кўрсатилади.***



Гаити масаласи бўйича 138 давлат ва турли нодавлат ташкилотлар вакиллари иштирокида ўтказилган конференция якунида шундай қарорга келинган.

Маълумки, жорий йилнинг январь ойида ушбу мамлакатда юз берган зилзила 230 минг кишининг умрига зомин бўлган, уч миллиондан ортиқ одам эса турли даражада тан жароҳати олганди. Жумладан, ер силкиниши мамлакат пойтахти Порт-о-Пренс шаҳрини вайронага айлантирган. Табиий офат келтирган зарар миқдори эса тўққиз миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ажратилажак маблағ бу ерда инфратузилмани яхшилашга ва янги тураржой биноларини бунёд этишга сарфланади. Конференция чоғида Гаити президенти иштирокчиларга мамлакатни қайта тиклаш режасини тақдим этган. Лойиҳага кўра, бу мақсадлар учун дастлабки уч йилда 3,9 миллиард АҚШ доллари керак бўлади.

## Табиатнинг кутилмаган инжиқликлари

***Европанинг бир қатор мамлакатларида об-ҳавонинг кескин совиб кетиши аҳолига кўплаб ноқулайликларни келтириб чиқарди.***



Жумладан, кучли қор ёғиши ва юқори тезликда эсган шамол туфайли Буюк Британияда қарийб 70 минг, Шимолий Ирландияда 50 мингга яқин, Шотландияда эса 100 минг хонадон электр таъминотидан узилиб қолди. Бундан ташқари, йўллар қалин қор билан қопланганлиги боис автоҳалокатлар сони кўпайган. Ана шундай бахтсиз ҳодиса сабаб Шотландиянинг Жанубий Ланаркшир вилоятида бир киши ҳалок бўлган.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*


Micros® Ўзбекистондаги расмий ҳамкори CAS Corporation (Жанубий Корея)

ТАРОЗИ БИЗ ДУНЁНИ ЎЛЧАЙМИЗ!

ТАРОЗИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ, ТАМҒАЛАШ УЧУН УСКУНАЛАР, ЎРАШ ВА ШТРИХКОДЛАШ.






БОЗОРЛАР УЧУН МАХСУС ТАКЛИФ

CAS ТАРОЗИЛАРИ ФАҚАТ БИЗДА!

Тошкент шаҳри:
- Кичик Бешёғоч кўчаси, 86. Тел.: (+998 71 ) 281 4724, факс: 281 4365;
- С. Азимов кўчаси, 72–«А». Тел.: (+998 71) 236 0449, 233 0371, факс: 232 0685

www.micros.uz; e-mail: micros@ucd.uz, scales@ucd.uz

Интернет-дўкон: www.shop.micros.uz

Маҳсулот сертификатланган.

302R/31







## «Қувноқлар ва зукколар»

***Бухорода “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ташкил этилган “Қувноқлар ва зукколар” кўрик-танловининг минтақавий босқичи бўлиб ўтди.***

Баркамол авлод йили муносабати билан ўтказилган ушбу тадбирда Нукус, Урганч, Бухоро давлат университетлари ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти талабаларидан ташкил топган жамоалар ўзаро беллашдилар.

Ақл-заковат баҳси якунида БухДУнинг “Афандининг жиянлари” гуруҳи ғолиб деб топилди. Эндиликда мазкур жамоа танловнинг якуний босқичида иштирок этади.

**И. ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Китоб — инсон маънавиятини юксалтирувчи, қалб ва тафаккурни эзгу тушунчалар билан бойитишга хизмат қилувчи беқиёс манбадир.*

## ЗИЁГА ТАЛПИНГАН БАРКАМОЛ АВЛОД

Кутубхоначилик соҳасидаги кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, фарзандларимизни турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилишни истасак, комил инсон бўлишини ният қилсак, уларда мутолаа маданиятини шакллантиришга эришмоғимиз лозим. Бугунги кунда биз, Республика болалар кутубхонаси мутахассислари айни шу йўналишларда изланишлар олиб бормоқдамиз. Кўпчилик кутубхонада ишлаш деганда, шунчаки сўралган китобни қидириб, топиб беришнинг уддасидан чиқилса, бас, деб ўйлайди. Аслида, кутубхона мутахассиси ўз ишининг билимдони бўлиш билан бир қаторда, китобга меҳри баланд, кенг дунёқарашга эга, янгиликка интилувчи, хушмуомаласи билан зиё масканига келган ҳар бир ўқувчининг кўнглига йўл топа билувчи касб соҳиби бўлиши талаб этилади. Болалар билан ишлашда эса бу фазилатлар янада муҳим аҳамиятга эгадир. Негаки, илк бор кутубхонага ота-онаси ёки ўқитувчиси ҳамроҳлигида келган бола бошқа сафар маърифат масканига кимнингдир қистови билан эмас, ўз хоҳиш-истаги билан келиши керак.

**2 апрель — Халқаро болалар китоби куни**

Ана шу жиҳатлар инобатга олиниб, кутубхонамизда ҳар бир ўқувчининг қизиқиш ва истаклари алоҳида эътибор билан ўрганилмоқда, ёшларни кутубхонага янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида янгича усуллар фаолиятга татбиқ қилинаяпти.

Кутубхонамиз йилига 13 мингдан зиёд китобхонга хизмат қилади. Улар орасида боғча болаларидан тортиб, битирувчи синф ўқувчиларигача бор. Бу ердаги китоб захираси 250 мингдан зиёдни ташкил этади. Кутубхонада болаларнинг ёшига мос барча турдаги адабиётлар, CD диск, аудио ва видеокассета кўринишидаги электрон қўлланмалар жамланган. Шу кунгача зиё масканида кичик ва катта ёшдагиларга хизмат кўрсатиш бўлимлари ҳамда Жаҳон ахборот-ресурс маркази мавжуд эди. Яқинда “Оилавий шўъба”га асос солинди. Ушбу бўлимда болаларни кутубхонага олиб келган ота-оналар китоб мутолаасидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Кутубхона қошида ўқувчиларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида “Соғлом авлод” медиа маркази ташкил этилган. Марказ негизида “Шум бола” видеоклуби, “Кичкинтой” маркази, компьютер курслари, дарсдан ташқари вақтда уй вазифасини бажариш учун мўлжалланган “Ахборот технологиялари” бўлими фаолият кўрсатаяпти. Шунингдек, инглиз тили курси, мусиқа тўгараги, тасвирий санъат студияси, “Ёшлар ва ҳуқуқ” клуби фаолият олиб бормоқда.

Болаларнинг эстетик дидини тарбиялашга қаратилган кўплаб тадбирлар, хусусан, таниқли ёзувчи, шоир ва санъаткорлар билан учрашувлар, хайрия кечалари кутубхонамизда мунтазам равишда ўтказиб борилади. Бу борада Республика Маънавият тарғибот маркази, Бош прокуратура, маҳалла идоралари, таълим муассасалари, Меҳрибонлик уйлари ҳамда Ёшлар ижодиёти марказлари билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Кутубхонамизда ҳар йили 2 апрель — Халқаро Болалар китоби куни кенг нишонланади. Бизда ҳам ҳар йили ушбу сана олдидан юртимиз бўйлаб болалар ва ўсмирлар китоб ҳафталигини ўтказиш анъанага айланган. Ҳафталик доирасида “Энг фаол китобхон” республика танлови ташкил этилди. Уч босқичли саралаш кўригида ғолиб бўлганлар диплом, китоблар тўплами ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Шунингдек, китоблар кўргазмаси, китобхонлар анжумани, шеърият кечаси, энг яхши болалар адабиёти асарлари асосида яратилган фильмлар намойиши бўлиб ўтди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва имкониятлари чекланган болалар учун хайрия акциялари ўтказилди.

Айни пайтда кутубхона фаолиятини янада яхшилаш йўлида ечимини кутаётган долзарб масалаларни ҳал этиш ҳаракатидамиз. Ўқувчиларга қулайлик туғдириш учун компьютерлар сонини янада кўпайтириш, янгилик сифатида зиё масканига малакали руҳшунос мутахассисларни жалб этиш, етакчи нашриётлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш сингари зарур вазифаларни амалга оширмоқдамиз. Ниятимиз — ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, фарзандларимизни кенг дунёқараш соҳиби, етук маънавиятли шахс этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшишдир.

**Фотима БУХАРОВА,**
**Республика болалар кутубхонаси директори.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ

лазерли принтерларни етказиб бериш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танлов ўтказиш тартиби ҳақидаги маълумотни ва танлов ҳужжатлари тўпламини қуйидаги манзилдан олиш мумкин: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13-«А» уй.

Телефонлар: (8-371) 244-97-14, 244-97-44, 244-97-66. Факс: (8-371) 244-22-96. Ички телефонлар: 714, 744, 766.

Танлов таклифлари эълон чоп этилгандан бошлаб 10 кун давомида соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

320R/378



ЭЪЛОН!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича

ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ

томонидан 2010 йил 30 март куни шаҳарлараро-вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун ўтказилиши қолдирилган

очиқ тендер 2010 йил 6 апрель куни соат 10.00 да бўлиб ўтиши маълум қилинади.



ТЕНДЕР ЎТКАЗИШ МАНЗИЛИ:
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 16-уй, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар зали.
Маълумот учун телефон: (8-371) 241-18-10.

323R/393



NEW HOLLAND

FIAT GROUP

B 115



TS 6070
130 л.с.



ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН

NEW HOLLAND CONSTRUCTION

TEL.: 120-60-97, 120-74-50.

NEW HOLLAND AGRICULTURE

284R/296


Тошкент давлат юридик институти жамоаси Ўзбекистон Миллий университети Ҳуқуқшунослик факультетининг Жиноят ҳуқуқи ва жиноят процесси кафедраси доценти

**Рахмонқул Эсергапович ҚУРБОНОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Жисмоний тарбия ва соғломлаштириш кафедрасининг мудири Ҳусан Авазматовга онаси

**КАРИМА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Кўнгил хиёбони

**Юртимизда маънавий ва моддий ҳаётимизни обод ва фаровон қилишга қаратилган чора-тадбирлар мезони ислоҳотлар инсон ва унинг манфаатлари учун, деган эзгу мазмун-моҳиятга асосланган.**

**Биз ҳар жабҳада янгиланиш ва тараққиётга эришиш йўлини тутганмиз. Бинобарин, шарқ фалсафаси ва адабиётининг илоҳий мағзи ҳам инсоннинг улуғлигини ўзига англатишда, унинг манфаатларига хизмат қилишда акс этади.**

## «Барчадин инсонни шариф айладинг...»

Алишер Навоий ёзади:

***Кони-ю ҳайвони агар***
***худ набот,***
***Ҳар бири бир гавҳари***
***олий сифот.***
***Барчасини гарчи***
***латиф айладинг,***
***Барчадин инсонни***
***шариф айладинг.***

Ҳа, инсон ўз номи билан шариф. Шундай экан, у ўзига муносиб яхши ишлар билан шуғулланиши, ўзлигини ёмон, тубан хулқ-атвор ва қилмишлар ила булғамаслиги керак. Навоий фикрича, инсон жамиятга наф келтириши фазилатдир. Бошқаларга зиён-заҳмат етказадиган, жамият тинчлиги ва осойишталигини бузадиган сийрати суратига тўғри келмайдиганлар чин инсон эмас. Одамийликнинг ва яхшиликнинг маъниси халқ манфаати учун ишлаш, халқ ташвиши билан яшашдир.

***Одамий эрсанг***
***демагил одамий,***
***Ониким йўқ***
***халқ ғамидин ғами.***

Навоий ана шундай ўзгалар ғамида юрадиган, ҳиммати баланд, ҳожатбарор, адолатпаноҳ, инсонларни азиз тутади. Улуғ шоир илм-амални мансабдорлик рутбаси эмас, балки раият хизматини адо этиш воситаси деб ҳисоблайди. Умуман, у ўз асарларида пок ахлоқни ҳаммасидан устун қўйиб, унга зид келадиган хусусиятларни аёвсиз қоралайди. Чунончи, пок ахлоқнинг бирламчи устуни ростлик ва ростдилликдир. Ростлик ва ростдилликнинг денгизи эса ҳаётбахш сўзлар туфайли дуру гавҳар маконидир.

***Сўздин ўлукнинг***
***танида руҳи пок,***
***Руҳ доғи тан аро***
***сўздин ҳалок.***
***Тиргузуб ўлукни***
***каломи фасиҳ,***
***Ўзига жонбахш лақаб***
***деб Масиҳ.***

Яхши сўз ўликни ҳам тирилтириш қудратига эга, ёмон сўз аксинча ҳалок қилади. Шунинг билан бирга, сўзга яланғочлик ярашмайди, уни безаш, чиройли тарзда кийинтириш даркор. Айтиш жоизки, Навоий лофчи, бемаза, таъсирсиз кишиларнинг сўзини тинглашдан кўра ўзини пичоқ билан тилкалашни маъқул деган. Қофиябоз шоирлар, тутуриқсиз сатрларни тизиб шеър деб мақтанадиган кишиларни ёқтирмаган. Сўз масъулиятини ҳис этиш, уни ўрнида қўллашни ёқлаган. Кишилардаги ортиқча сўзбозлик нафсни тиймасликнинг оқибатларидан бири эканлигини айтган. Бундан қутулишнинг йўли эса битта, нафсни тийиш ва



### Навоийни англаш

қаноат. Илло, қаноат ва нафсни тийиш инсоннинг ёввойи ва беъмани эҳтиросини тизгинлайди. Ана шундай беъмани эҳтироснинг ҳарис майлларидан бири шаробхўрликдир.

Майхўрликка ҳирс қўйиш, хусусан, ёшларнинг ҳаётини заҳарлаганини, истеъдодини барбод этганини Навоий "Мажолис ун-нафоис"да шоирлардан Саййид Қуроза, Саййид Қутб Лакаданг ва Мавлоно Ҳайдар котиб мисолида ачиниш билан баён қилади. Шоир Мавлоно Ҳайдарни "чоғир андоқ мағлуб қилиб эрдиким, ихтиёри ҳеч бир ишда йўқ эди" деб ёзади. Саййид Қуроза, Саййид Қутб Лакаданг Самарқанддан Ҳиротга илм таҳсили учун борган ёшлар бўлиб Навоий уларни ўз тарбиясига олади, мадрасага жойлаштириб, маош тайинлайди. Бироқ бу икки ёш илм ўрганиш ўрнига чоғир ичишга бериладилар, қиморбоз, фаҳш, йўлтўсар кишиларга қўшилиб, қабиҳ ишларга қўл урадилар. Навоий иккаласига ҳам кўп панду насиҳатлар қилади, аммо гаплари таъсир қилмайди. Майхўрлик туфайли улар ўзларини абгор ва шармандаи шармсор қиладилар. Навоий бундан кўп афсус чекади.

Буюк шоир назарида майхўрлик ахлоқий иллатдир. Иллат ҳамласи ичи суст, адаб ва маънидан қувватланмаган кишини йўлдан оздиради. Нафақат майхўрлик, такаббурлик, гўллик, нодонлик, мунофиқлик, фитнакорлик, ёмонлик ҳам ичи пучлик туфайлидир. Шу боис, инсонга гўдаклигидан бошлаб оқилона таълим-тарбия беришнинг аҳамияти бениҳоя улкан. Чунки нафсу ҳаводан воз кечган, қаноатли, тавозели, камтар, омонатга хиёнат қилмайдиган, диёнат-инсоф юзасидан иш кўрадиган авлодни тарбиялаш — нурли келажак гаровидир. Бунинг учун илм-фан, маърифат ривожига эътибор қаратилиши лозим. Навоий ўз замонида бу каби эзгу ишларни амалга ошириш мумкин эмаслигидан таассуфланади. Лекин қачондир унинг орзулари амалга ошишига, комил инсонлар жамияти барпо этилишидан умидини узмайди.

Бугун Навоий орзулари рўёбга чиқмоқда десак, айни ҳақиқат. Озод ва обод замин фарзандлари учун бугун барча шарт-шароитлар яратилиб берилаётганининг ўзиёқ фикримиз далилидир. Юртбошимизнинг 2010 йилни "Баркамол авлод йили" деб эълон қилишларида Навоийнинг ҳам умидлари мужассам. Айни пайтда иллатлардан холи, фазилатларга лиммо-лим қалб соҳиб ва соҳибаларини тарбиялаш, уларни эртанги кунимизнинг садоқатли ва фидойи, тадбирли ва ақлли, илмли ва фасоҳатли инсонлари бўлиб вояга етишишлари учун ҳар биримиз масъул ва камарбастамиз. Буни ҳамиша Навоий ҳурмати, муаззам Истиқлолимиз ҳурмати зинҳор ёддан чиқармайлик.

**Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,**
**филология фанлари доктори, профессcор.**

Туйғу

## ҚОРАЧИҚДА ЯШНАГАН ГУЛШАН

**Шерободлик тадбиркор Содиқ Турдиев қизиқувчан одам. Фикрлаши антиқа, суҳбати жозибали. Айтайлик, "сублимация ҳодисаси"нинг кимё оламида ва ижтимоий ҳаётда қандай тарзда кечишидан тортиб, қайси йили Ерга 700 минг километрга яқинлашиб келган Икар метеорити ҳақида, Пифагор теоремасининг тадбиркорлик фаолиятидаги аҳамиятидан тортиб, хапса деган буғдой зараркунандасига қарши қандай усул қўллаш яхши самара бериши мумкинлиги ҳақида гапира бошласами, сўзларига маҳлиё бўлиб қоласиз. Гўёки ўзингиз яхши кўрган бир китобни ўқий бошлагандай бўласиз. У, айниқса, тарихдан, адабиётдан, шеъриятдан сўз очиб қолса-ку, ҳайратингиз ошиб, вақт ва маконга оид ташвишларни унутиб қўясиз.**

— Бунча билимни қаердан ўргангансиз? — сўраймиз ундан.

— Кутубхонадан. Китоблардан, — деб жавоб қайтаради у.

— Ўзи, қаерда ўқигансиз? Мутахассислигингиз нима? — деб сўраймиз яна.

— Кутубхонада ўқиганман. Собиқ кутубхоначиман, — дейди у.

— Содиқ ака ёшлигида ўн беш йилча кутубхоначи бўлиб ишлаган. Кутубхонадаги 3 мингта китобнинг қарийб икки мингга яқинини ўқиб чиққан. Ўзиям бир ўқиганда, ёдлаб оладиган қобилияти бор, — деб гурунгга қўшилади туман ҳокими ўринбосари Шайдилла Беккелов.

— Йўғ-е. Бир эмас, икки карра ўқиганимда, ўша китобнинг яримлари ёдимда қоларди. Ўша пайтларда ёдлаганларим ҳалиям хотирамдан ўчмаган, — деб кулади Турдиев.

— Хўш, Пифагор теоремасидан гапиринг, Содиқ ака. Бундан икки ярим минг йил бурун кашф қилинган бу кўҳна назария, сизнингча, нимаси билан долзарб? — дейди Беккелов.

Бир гапни айтишдан олдин Турдиев ўйланиб, имиллаб ўтирмайди. Олдиндан тайёргарлик кўриб қўйгандек қисқа, лўнда йўсинда, дона-дона қилиб сўзлайверади.

— Ҳаёт деганлари тўғри йўл, фақат тўғри чизиқлардангина иборат эмас. Унинг бош-адоғи, мужмал бурчаклари кўп, — дейди у. — Унинг ўлчамларини аниқлашда гоҳ арифметик сонлар эмас, мушоҳада ва интеллектуал таҳлил — тафаккур кўпроқ қўл келиб қолади. Мен катет ва гипотенуза чизиқларга шу тарзда ёндашдим ва хато қилмадим.

Истиқлол Содиқ Турдиев каби табиатан ишбилармону бироқ ўз даврида ташаббус кўрсатиб яшашга, ишлашга имконсиз юртдошларимизга бекиёс имтиёзлар яратди.

— "Шукрки, — дейди у, — қарийб 20 йилдан буён ўз режамиз, мақсадларимиз билан яшаяпмиз. Ҳар бир хайрли ташаббус, эзгу иш давлат томонидан қўллаб-қувватланаяпти. Эл-юрт тараққиёти учун арзимас ҳисса қўшсанг ҳам, бугун рағбату раҳмат оласан. Хўш, бундай юрт яна қайда бор?

Ҳа, мустақиллик шарофати билан Турдиев тадбиркор бўлди. 9 гектар ерда анорзор яратди. Шунчаки эрмак учун эмас, йилига 100 тонналаб анор ҳосили етиштираман, деган ният билан тупроққа кетмон урди. Ҳосилнинг бир килограммини тўрт минг сўмдан, хўп, борингки, икки минг сўмдан сотсам, камлик қиладими, деган ҳисоб-китоб билан меҳнат қилди. Айни замонда қўлидаги боғдорчиликка оид китобларни яна бир бор бошдан-оёқ варақлаб чиқди.

Дарахт ўстирган ботирликни ўрганади, сабру бардошли бўлади, деб эшитганмиз. Бугун Турдиев анорзорни совуқ ураркан, деб ишни тўхтатиб қўймайди. Ҳашарот-зараркунанда хуружидан чўчимайди. Ишлайди. Ҳар туп анор дарахтининг тагига қишда тўрт қайтадан чиритилган гўнг солади. Ўғитга аммофос ўғитидан аралаштиради. Офтоб уриб қўймасин, деб дарахтнинг ҳар битта мевасига қоғоздан соябон "ўтирғизиб" чиқади. Дорилайди. Пишганидан сўнг мевани то янаги анор пишиғига қадар бузилмайдиган қилиб сақлай олади.

Қизиқиш юзасидан у етиштирган бир дона анорни тарозига солиб кўрамиз — 710 грамм тош босди. Март ойи бўлишига қарамай ялтиллаб, ҳозиргина узилгандай турибди.

— Бу — ўртача аноримиз. Олд анорларимизнинг донаси бир ярим кило тош босади. Бир донасидан мингтача данак санаганмиз. Ишонмасангиз, мана, кесиб кўринг, — дейди Турдиев. — Данаклари қирмизи марвариддек. Шифобахш. Айниқса, жигарнинг малҳами.

Боғидан йилига қанчадан ҳосил етиштириб олаётганини сўрамоқчи бўлганимизда, Турдиев яна режаларидан гап бошлайди.

— Насиб этса, бу йил кўзлаган марramiz — юз тонна, — дейди. — Шундан келадиган даромаднинг учдан бир қисмини хайрия-ҳомийлик тадбирларига ажратамиз. Тўртта ўғлимни қабатимга олиб, икки юз бошга яқин қорамол ҳам боқаяпмиз. Қалбни иймон билан, ерни меҳнат билан, элни ҳиммат билан, кўзни қаноат ва шукроналик билан тўйдирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, — дейди.

Яна айтадики, қишлоқдагилар, айниқса, ёшларнинг иш йўқ, ё иш кам, деб надомат қилишларига мутлақо ўрин йўқ. Ишлайман десами, томорқасига қадаган 30 туп анори рўзғорини обод қилиши, қозиғига боғлаган бир бош нoввоси кунига 3 минг сўм даромад келтириши мумкин. Йўқ. Айримлар қандай оғир юмуш бўлмасин, хорижга бориб ишлаш ва бойиш орзусида ўзларини ўтга-чўққа уриб юрадилар. Ахир шу замин тупроғини ўпиб, юрт қадрини кафтингда тутиб яшайдиган, ишлайдиган замон келди-ку.

Дарвоқе, Турдиев ўзининг қарийб эллик йиллик ҳаёт тажрибаси ҳақида китоб ёзаётганини айтиб қолди. Шу беш кунлик умрни одам қувонч ва завқ гулшанига айлантириб яшамоғи керак. Бу гулшан биродарингга, элингга қилган яхшилигинг, хизматингдан яшнаб туради. Сендан қоладиган бирдан-бир нарса шу бўлади. Китоб ана шу фалсафа таҳлилига бағишланаётган эмиш.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

*Гулираъно қизлар сайри боғ қилсалар, баҳор шивирлари уйғотар экан оламни. Оналар қалбида қуёшдек балқиб, тараларкан меҳр нурлари. Шунда қўллардаги чечаклар изҳор этаркан ҳайратларини: — Кўклам келди, — дер экан, севгилари, қувончлари тошиб...*

***Бузругмеҳр Шарқда етук олим, зукко адиб сифатида, мана, 15 асрки, эъзоз билан тилга олинади. У ҳикматлар мажмуасидан иборат "Зафарнома" асарини авлодларга мерос қолдирган. Қуйида ушбу китобдан олинган айрим ҳикматларни эътиборингизга тақдим этамиз.***

## БУЗРУГМЕҲР ҲИКМАТЛАРИ

Ибрат маҳзани

***Бузругмеҳр шундай нақл қилади.***
***— Мен устозимдан сўрардим ва у жавоб қайтарарди.***

**Дедим:** — Эй, устоз Яратгандан нима тиласам, барча яхшиликларни сўраган бўламан?

**Деди:** — Уч нарса: соғлиқ, хотиржамлик ва бойлик.

**Дедим:** — Ишлар саъй-ҳаракатга боғлиқми ё тақдири азалга?

**Деди:** — Саъй-ҳаракат тақдирга сабаб бўлади.

**Дедим:** — Ёшлардаги қайси фазилат яхшию кексалардаги не хислат афзал?

**Деди:** — Ёшлардаги шармҳаё ва вазминлик, кексалардаги донолигу вазминлик.

**Дедим:** — Кимлардан эҳтиёт бўлай?

**Деди:** — Риёкор, хушомадгўй ва хасисдан.

**Дедим:** — Сахий ким?

**Деди:** — Ўз саховатидан мамнун киши.

**Дедим:** — Одамлар ҳамиша қидирадиган, аммо ҳеч ким мукаммал тополмайдиган нарса нима?

**Деди:** — Саломатлик, шодлик ва содиқ дўст.

**Дедим:** — Оқилларнинг қайси иши яхшироқ?

**Деди:** — Ёмонни ёмон йўлдан қайтариш.

**Тўпловчи ва таржимон:**
**Носир МУҲАММАД.**



***Табиат — она. Биз ундан андоза оламиз, гоҳ тушуниб, гоҳ тушунмай. Инсон умрини тўрт фаслга қиёслаб менгзаш бежиз эмас. Фасллар келар, ўрин алмашар, ҳаёт чархпалаги эса давомий. Кўнгил фасли-чи?.. Кўнгил қарийдими? Одам кўнгли ёшга боғлиқми? Кўнгил сарҳади борми? Кўнгил кўчаси нима? Шу маънода ҳар ким ўзига кўплаб саволлар бериши мумкин. Лекин бу саволларга тўлиқ жавоб берилмаган, ҳаммага маъқули топилмаса ҳам керак. Юрак, қалб, дил сўзларини керакли ўринда кўнгилга маънодош сифатида ишлатиш мумкин. Аммо юқоридаги саволларни қўйганда фақат энг моси кўнгил экан. Кўнгил бепоёнлигига энг яхши далил — Тангри бутун оламга сиғмас экану инсон кўнглига сиғар экан.***

## ГЎЗАЛЛИК ИФОРИ

Мавлоно Жалолиддин Румий бежизга қуйидаги сатрларни ёзмаган: "*Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил, Кўз бўлурму ҳақни кўрмас бўлса ул...*"

Дунёга алданмайдиган кўнгил кўзи билан қарашни акс эттирадиган нақадар пурмаъно мисралар бу.

Борлиқ коинотни ўзига сиғдирган кўнгил фаслларининг ўлчови борми? Яхши мусиқадан ҳаволанадиган, гўзал шеърдан сурур туядиган, латиф жонбахш нигоҳдан мумдек эриб, ғазабнок қарашдан тўфон кўпадиган кўнгил фаслларининг чегараси қайда? Мен кўнгилни қуёшга интилаётган гулга ўхшатаман. Бу гул ширин каломдан баҳор насимини сезгандек тебранса, аччиқ сўздан куз изғиринидан сескангандек озорланиши мумкин. Ҳаёт қуюнларида эгилиб, букилса-да, илдизи билан қўпорилиб кетмайди. Мана шу илдиз бақувват бўлиши учун у озиқланиб туриши керак. Кўнгилнинг энг яхши озиғи — бадиияти юксак китобу содиқ дўстларнинг дийдоридир. Инсон ўз кўнглини мана шу икки манба нурлантириб борса, хазон билмас чаман бўлиб яшнагай.

### Ўй

Ҳар ким эрталаб кўчага ораста бўлиб чиқишга ҳаракат қилади. Одамларнинг бири-бирига ёқимли кўринишига не етсин. Қанийди, ҳаммамиз ойнага қараб ташқи кўринишимизни рисоладагидек қилганимиз баробарида қаерга боришимиздан қатъи назар тилимизни, дилимизни поклаб олсак. Кун давомида бирор қалбга кир қўндирмасак. Бундан беадад завқлар туйсак. Англашиладики, ҳаётимизни гўзал қилиш ўз қўлимизда. Ҳазрат Жалолиддин Румийнинг қуйидаги сатрларига қулоқ тутинг:

***Нарса йўққим,***
***хорижи олам эрур,***
***Ҳар не истарсен,***
***ўзингда жам эрур.***

Мавлоно бу билан инсон неки истаса кўнглидан топишини уқдириши бекорга эмас. Инсоннинг мукаррамлигида қалб ҳолати, соф кўнгил малоҳати билан ўлчанади. Одамзод ҳаммани алдаши мумкиндир, лекин ўзини алдолмайди. Борлиқдан яширинишни, бош олиб тоғу тошларга чиқиб кетиши ёки бир умр кимсасиз ғорларда яшаши мумкиндир, аммо ўзлигидан қочолмайди. Қаерда бўлмасин, қайтар жойи кўнгил.

Шундан экан, дилимизни ҳамиша гўзалликка ошно этсак, кўнгил фасли доимо мусаффоликка бурканади. Хазон билмас фаслга эврилади.

Кўнглимиз заволсиз боғдек гуркураб туриши ўз қўлимизда экан, руҳимизни қанча покласак, боғимиз шунча яшнагай ва бу боғдан, аввало, ўзимиз, сўнг атрофимиздагилар баҳраманд бўлгай. Ўзгаларга шодлик улашиш, бахтнинг бир қиррасидир балким. Келинг, азизларим, кўнгил фаслимизни қаритмайлик.

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ.**

## Танга қувват, руҳга мадад

**Қиш ўтгандан кейин юз берадиган инсон танасидаги толиқишни халқимиз "илигузилди" деб атайди. Аммо унутмангки, унинг давоси баҳор билан бирга келади.**

Абу Али ибн Сино "Баҳор — инсон умрининг энг яхши ва шифобахш фасли ҳисобланади", деб айтгани ҳам шундан. Умуман, танадаги ҳолсизланишни бартараф этиш мақсадида баҳорий кўкатлардан тайёрланадиган миллий таомларни кўпроқ истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки кўклам гиёҳлари турли хил витаминлар, оқсил, эфир мойлари, кислоталар, темир, цинк, фосфор, калий, кальций, магний каби элементлар ва бошқа биологик моддаларга бой бўлади.

### Баҳор неъматлари

Ана шундай қувватбахш баҳор неъматларидан бири, шивит десак, сира ажабланманг. Унинг таркибида эфир мойи, фловоноидлар, витаминлар А, В1, В2, РР, каротин, фитонцидлар, микерон тузлар ва бошқа моддалар мавжуд. Бу ўсимлик шарқ табобатида тинчлантирувчи, пешоб ҳайдовчи, йўтал, яллиғланишга қарши, она сутини кўпайтирувчи восита сифатида тан олинган. Замонавий тиббиётда эса шивитнинг дамламаси қон босимини тушириши, юрак-қон томирларини кенгайтирувчи хусусиятга эга эканлиги илмий жиҳатдан исботланган. Шивитдан кўкат сифатида фойдаланилганда меъда шираси ажралиши, ўт ҳайдалиши яхшиланиши ҳам бор гап. Қисқаси, азал-азалдан ҳозиргача шивит кўкатли сомса, чучвара, манти тайёрлашда бошқа баҳор неъматлари билан бирга масалliқлар таркибидан мустаҳкам ўрин олганлигининг сабаби битта: унинг танга қувватдорлиги, руҳга мадодкорлигидир.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.15 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5